



## КРЕДИТ РИСКЛАРИНИ СУҒУРТАЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Рашидова Дилдора

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
2-курс магистри

*Аннотация:* Ушбу мақолада тижорат банкларида ҳосил бўлаётган муаммоли кредитлар ва уларнинг сабаблари, бундай кредитларнинг тижорат банклари молиявий барқарорлигига таъсирини камайтиришда кредит суғуртасининг роли масалалари, ушбу суғуртанинг мамлакатимиздаги ҳозирги ҳолати, уни ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар ҳамда уни ҳал этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар келтирилган.

*Калит сўзлар:* кредит, муаммоли кредитлар, кредит rischi, кредит суғуртаси, кредит суғуртаси инструментлари, кредит қайтмаслигидан суғурталаш.

Кредит бериш банк активларининг энг катта даромад келтирувчи операцияларидан бири бўлиб, у катта рисклар билан боғлиқ. Кредит таваккалчилиги - шартнома шартларига мувофиқ қарздорнинг банк олдидаги молиявий мажбуриятларини бажара олмаганлиги, ўз вақтида ёки тўлиқ бажармаслиги натижасида банк зарар кўриши хавф-хатари ҳисобланади. Банкнинг йўқотишларининг маълум сабабларидан бири кредит портфели қийматининг пасайиши бўлиб, бу кўплаб қарз олувчиларнинг тўлов қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотиши натижасида юзага келади. Шу муносабат билан кредит таваккалчилигини тартибга солишнинг асосий йўналиши қарздор ўз мажбуриятларини бажармаганлиги натижасида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар миқдорини минималлаштиришдир. Бу банкнинг молиявий барқарорлигига таҳдид солиши мумкин бўлган асосий кўрсаткичдир.

Кредит рискининг қуйидаги турлари мавжуд:

- кредитни қайтарилмаслик rischi; муддати узайтирилган кредит rischi; кредит таъминоти rischi; ишбилармонлик rischi; қарз олувчининг кредитга лаёқатлик rischi; фоиз rischi; валюта rischi; инфляция rischi.

Кредит рискини бўлиш эҳтимоли алоҳида берилган кредитда ҳам, умуман кредит портфелида ҳам мавжуд бўлади. Мумкин бўлган йўқотишларни минималлаштириш мақсадида кредитор ташкилотлар кредитлар бериш жараёнини бошқариш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга оширадilar,



оптималлаштирилган операцияларни ташкил этувчи кредит сиёсатини ишлаб чиқадилар. Ўз навбатида, кредит риси банкнинг фаолият юритиш самарадорлигига ва операцияларни амалга ошириш сифатига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасини яқин беш йилда барқарор тараққий этишида Ҳаракатлар стратегияси банк тизими учун янги ривожланиш босқичини бошлаб берди. Барча соҳаларда бўлгани каби молия бозорида, шу жумладан, банк секторида ўтказилаётган ислохотлар туфайли соҳада сезиларли даражадаги ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, республикаимиз тижорат банкларида активлар ва пасивларнинг муддатига кўра мутаносибликни таъминланмаганлиги фойз рисининг чуқурлашишига олиб келган.

1-жадвал

### Тижорат банкларида ҳосил бўлган муаммоли кредитлар динамикаси (млрд. сўм)<sup>17</sup>

Кўрсаткичлар	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2020 йилга нисбатан 2022 йилдаги ўзгариш, %
Давлат улуши мавжуд банклар	244 484	280 074	324 681	132,8
Шу жумладан муаммоли кредитлар	5168	15 069	12 643	244,6
Муаммоли кредитлар улуши, %	2,1	5,4	3,9	1,8
Бошқа банклар	32 491	46312	62 368	192,0
Шу жумладан муаммоли кредитлар	617	1905	1 349	218,6
Муаммоли кредитлар улуши, %	1,9	4,1	2,1	0,2
Жами	276 975	326 386	390 049	140,8
Шу жумладан муаммоли кредитлар	5785	16 974	13 992	241,9
Муаммоли кредитлар улуши, %	2,1	5,2	3,6	1,5

1-жадвал асосида муаммоли кредитлар динамикасини кўриш мумкин бўлмоқда.

<sup>17</sup> Марказий банкнинг cbi.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган



Унга кўра маълум бўлдики, муаммоли кредитлар ҳажми 2022 йилда 2021 йилга нисбатан пасайган бўлсада, ўсишда давом этмоқда. Демак, ушбу муаммони илмий асосда чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш ва шу асосда уни ҳал этишнинг йўллари ишлаб чиқиш зарур.

Маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига мамлакатимизда тижорат банкларининг жами кредитлар ҳажми жами активларнинг 73,4 фоизини ташкил этган. Мазкур кўрсаткич 2018 йилда 66,4 фоиз, 2019 йилда 78,1 фоиз ва 2020 йилда 77,6 фоизни ташкил этиб, йиллар давомида уларнинг нисбати деярли ўзгаришсиз бўлган.

Суғурта соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсади турли кўринишдаги суғурта ходисалари юз берганда фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг мулкӣ манфаатларини самарали ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлган суғурта тизимини яратишдан иборат. Суғурта соҳасидаги давлатнинг асосий вазифаси суғурта фаолияти соҳасида ҳали яратилмаган қонунчиликларни яратиш ва мавжудларини такомиллаштиришдан ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни ташкил қилишдан иборат.

Мамлакатнинг иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар иқтисодиёт молия тизимининг ажралмас қисми ҳисобланган суғурта соҳасини янада ривожлантириш заруратини келтириб чиқармоқда. Мамлакат суғурта бозорининг келажакда янада ривожланиши ва иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашдаги ўрнининг ортиб бориши шубҳасиз.

2-жадвал

**“ALSKOM” АЖ суғурта компанияси томонидан тижорат банкларининг кредит фаолияти билан боғлиқ суғурта шартномалари динамикаси\* (дона)**

№	Суғурта турлари	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
1.	Ипотека суғуртаси	681	1255	1929	2402	2612	2764	2856
2.	Гаровга қўйилган мулк суғуртаси	6602	7642	8347	8235	13659	14220	1532
3.	Кредитга олинган мулклар суғуртаси	0	15	57	85	129	185	198
4.	Кредит қайтмаслигидан қарздорнинг жавобгарлиги суғуртаси	197	765	380	598	6544	6598	6654



5.	Қарздорнинг гаров билан таъминланмаган кредит қисми қайтмаслигидан суғурта	0	0	474	361	844	895	956
6.	Дехқон хўжаликлари ва ер участкалари эгаларини кредит қайтмаслигидан суғурта	0	0	0	112	72	85	95


\*“ALSKOM” АЖ СА маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

“ALSKOM” АЖ суғурта компанияси томонидан сўнгги етти йилда тижорат банкларининг кредит рискларини суғурталаш бўйича кўрсатиб келган суғурта хизматларини ўрганишга ҳаракат қилдик ва компаниядан олинган маълумотлар асосида жадвал тузишга муваффақ бўлдик (2-жадвал). Ушбу жадвалга кўра, тижорат банкларининг кредит фаолиятини суғурталашга йўналтирилган суғурта турлари жами 6 тани ташкил этиб, шулар ичида асосан кредит қайтмаслигидан қарздорнинг жавобгарлиги суғуртаси, ипотека суғуртаси ва гаровга қўйилган мулк суғуртаси катта ҳажмни ташкил этмоқда.

Мижоз билан ишлашда аввало кредит рискнинг моҳиятини яхши тушуниш ва уни баҳолаш учун миқдорнинг молиявий ҳисоботларини (бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари) ўрганиш ва таҳлил қилиш, ҳамкорликнинг олдинги йилларида муддати ўтган қарздорликнинг мавжудлигини аниқлаш зарур.

Ҳозирги вақтда, кредит тақдим этувчиларнинг кредит сиёсатида ўз кредит рискларини суғурталаш масаласи кўзда тутилган. Суғуртачи ҳам миқдорни юқорида келтирилган параметрлардан фарқ қилмайдиган талаблар бўйича баҳолайди. Бундан ташқари, харидорлар билан муносабатлар тарихи ҳамда қарздорлик реестрини, бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот тақдим этилиши талаб этилиши зарур.

Хавфнинг олдини олиш ёки уни камайтиришнинг самарали воситаларидан бири суғурталашдир. Ўз навбатида, экспертлар томонидан қўйидаги шаклда гуруҳланган ва тақдим этилган кредит рискларини суғурталаш воситаларининг хилма-хиллиги аниқланади. Шу билан бирга, мутахассислар кредит рисклари суғуртасининг кўплаб инструментларини ажратиб кўрсатишади. Улар қўйидаги расм кўринишида келтирилди (1-расм):



**1-расм. Кредит рисклари суғуртаси инструментлари**

Муайян воситалардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳар бир компания томонидан ривожланишнинг ички омилларига ва ташқи муҳит билан ўзаро таъсирнинг ташқи омилларига (банкдаги кредит тарихи, ҳозирги вақтда муддати ўтган қарзларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги) қараб ўз хоҳишига кўра белгиланади. Мазкур омилларнинг асосийларини тавсифлаймиз, бизнинг фикримизча, барча воситаларни қимматли қоғозлар бозори воситалари, банк ва психологик воситаларга бўлиш керак.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. “Суғурта фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2021 йил 23 ноябр. № ЎРҚ-730. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.11.2021 й., 03/21/730/1089-сон.

2. Вазирлар маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги № 780 сонли “Электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. [file:///C:/Users/HP/Desktop/Қонун ва меъёрий хужжатлар/780 қарор 2020 14.12.pdf](file:///C:/Users/HP/Desktop/Қонун_ва_меъёрий_хужжатлар/780_қарор_2020_14.12.pdf).



3. С.Фрумина. Развитие системы страхования кредитных рисков.//Модернизация финансовой сферы. 2015. Стр. 334.
4. В.Б.Гомелля, Ю.Б.Рубин, В.И.Солдаткин Страховой портфель. М.: СОМИНТЕК 1994, с.7.
5. Родионова В.М. Финансы. –М.: Финансы и статистика, 2002. –с.456.
6. Sears, Roebuck and Co. and Affiliated Corporations v. Commissioner. 96 TO No.5 (1991).
7. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти).
8. World insurance in 2016: the China growth engine steams ahead/Sigma. SwissRe Institute//№3/1017.